



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “27” mart

К-239 -son

Termiz sh.

**Шўрчи тумани “Боботоғ” массиви худудидан
Боботоғ давлат ўрмон хўжалигига ер майдони
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 23 февралдаги 05-02/156-сон йиғилиш баёни, Шўрчи тумани ҳокимининг 2021 йил 14 январдаги 01-05/37-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Шўрчи тумани “Боботоғ” массиви худудидан Боботоғ давлат ўрмон хўжалигига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш мақсадида туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1к, 2к, 33, 32, 34, 44, 45, 62, 65, 66, 69, 74 ва 75-дала контурларидаги жами 84,8 гектар, шундан 73,0 гектар суғориладиган экин ер, 2,8 гектар яйлов, 2,2 гектар ариқ ва зовур ва 1,3 гектар бошқа ер майдонлари доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га рухсат берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкасини чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов